

Қуръондан таъсирланган йигит



11:00 / 12.12.2018 3330

Имом Саълабий раҳимахуллоҳ айтадилар: “Абу Муҳаммад Халил ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Масъуд Музаккар раҳимахуллоҳнинг бундай деганларини эшитдим: “Баъзи улуғлардан шундай ҳикоя келтирилган:

“Мансур ибн Аммор айтади: “Бир хароба жойга кирдим. У ерда кўрқув билан намоз ўқиётган йигитни кўрдим. Ичимда: “Албатта, бу йигитда бир гап бор. Эҳтимол, у Аллоҳ азза ва жалланинг валий дўстларидандир” дедим. Намоз ўқиб бўлгунича кутиб турдим. Намозидан салом бергач, унга салом бердим. У алик олди. Унга: “Жаҳаннамда бир водий борлигини билмадингизми? Аллоҳ таоло у ҳақида шундай деган:

يَظَالُ أَهْلًا لَّكَ

“Йўқ! Албатта у(жаҳаннам) кучли алангадир”.

يَٰوَشَّٰلٌ ءَاقِبَٰتِ

“Бошнинг терисини сидириб олувчидир”. (Бош териси шилиб олинган дўзахийга Аллоҳ таоло яна янги тери ато этади. Жаҳаннам ўти эса яна уни шилиб олади ва шу тариқа тўхтовсиз давом этаверади).

يَٰلَٰوَتَٰ وَرَبِّدَا ۗ نَمَٰ وَغَدَاۗتِ

“У чақирадир; орқага кетган ва юз ўгирганни”.

(Маориж сураси, 15-17-оятлар).

Оятни эшитган йигит чуқур нафас олди-да, хўнграб йиғлаб юборди, оҳ тортди-ю, ҳушидан кетди. Ўзига келганда, менга: “Яна Қуръон оятидан ўқиб беринг!” деди. Мен:

ۗرَٰجِ ۙجُلَٰلِ ۙسَٰٓنِ ۙلَا ۙأَهْدُوۙقَٰو

“Ёқилғиси одамлар ва тош бўлган” (Бақара сураси, 24-оят) деган оятни ўқидим. Оятни эшитиши биланоқ жони узилиб, ерга йиқилди.

Либосини кўтариб, кўксини очсам, кўкраги устига:

ۙيَٰضَٰرٍ ءَٰشِ يَٰعِ يَٰفَ ۙوَهَٰفِ

“Бас, у розилик ҳаётидадир”.

يَا أَيُّهَا النَّجِيفُ

“Олий жаннатдадир”.

يَا أَيُّهَا النَّادِ الْوُطُوقُ

“Унинг мевалари яқиндир” (Ҳааққоҳ сураси, 21-23-оятлар) деган оятлар ёзилганини кўрдим.

Кеч бўлгач, уйқуга ётдим. Тушимда уни каравот устида, бошига тож кийиб ўтирган ҳолда кўрдим. Ундан: “Аллоҳ таоло сени нима қилди?” деб сўрадим. Шунда у: “У Зот менга Бадр аҳлининг савобини берди ва яна зиёда қилди” деб жавоб берди. Мен яна ундан: “Нега сенга уларнинг савоби мислича савоб берди?” десам, у: “Чунки, улар кофирларнинг қиличлари билан ўлдирилдилар. Мен эса Маликул Ғаффорнинг қиличи билан ўлдирилдим” дея жавоб берди”.

Имом Абу Исҳоқ Аҳмад ибн Иброҳим Саълабий,

“Қотла-л-Қуръан” китобидан